



УЎК:632

**“БЕДА БАРГ ФИЛЧАСИ (PHYTONOMUS VARIABILIS HBST)
ЭНТОМОФАГЛАРИ ТУР-ТАРКИБИ**

Ro'ziqulov Davlatbek Nazaraliyevich

katta o'qituvchi Toshkent Davlat Agrar Universiteti

konf.zara@gmail.com

<https://orcid.org/0000-0002-5689-4563>

Rasulova Munira Zuxriddin qizi

Talaba Toshkent Davlat Agrar Universiteti

rasulovamunira87@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0005-6904-185X>

Аннотация: Мазкур мақолада беда ўсимлигининг асосий зараркунандалари бири бўлган беда барг филчаси (*phytonomus variabilis Hbst*)нинг энтомофаглари тур-таркиби тўғрисида изланиш натижалари келтирилган. Беда ўсимлигига асосан, беда барг филчасининг бир-неча турдаги энтомофаглари аниқланган.

Калит сўзлар: беда, беда барг филчаси (*phytonomus variabilis Hbst*), зараркунанда, энтомофаг.

КИРИШ: Ўзбекистоннинг табиий-иқлим шароити мавсумда кўплаб қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришга имкон беради. Аммо парвариш этилаётган экинларга зараркунанда ҳашорат ва каналарнинг етказадиган зарари анча сезиларли бўлади.

Баъзи йилларда зарарли организмлар таъсиридан ҳосилнинг 60-80 % и нобуд бўлишига олиб келади.

Зараркунандаларга қарши курашда кимёвий усул жаҳон тажрибасида кенг қўлланилсада, аммо бундай инсекто-акарицидларнинг етарли танлаб,





таъсир этиш хусусиятига эга эмаслиги аниқланди, яъни пестицидлар биринчи навбатда зараркунандалар оммавий ривожланишининг олдини оладиган табиий кушандалари ҳисобланган энтомофаг-ҳашаротлар, ҳашоратхўр кушлар ва бошқаларни қириб йўқотади.

Бундан ташқари, кўпчилик зараркунандалар пестицидларга барқарорлик ҳосил қилганлиги туфайли агробиоценозлар фитосанитария ҳолати ва қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

1960 йилларда 200 дан ошиқ бўғимоёқлилар пестицидларга нисбатан чидамли бўлиб қолган бўлсалар 80-йиллари уларнинг сони 500 дан ошиб кетган (Захаренко, 2001).

Буларнинг ҳаммаси ўсимликларни ҳимоя қилиш мутахассисларида биологик ҳимояга нисбатан кескин қизиқиш уйғотиб, бунда аниқланувчи омиллар тариқасида қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандалари миқдорини чегаралайдиган йиртқичлар, паразит ёки касаллик кўзгатувчиларни алоҳида қайд қилиш ўринлидир.

Республикамизда биологик ҳимоя усули ишлаб чиқиш ва уни амалиётга кенг жорий қилиш соҳасида маълум ютуқларга эришилди. Биологическая лаборатория ва биофабрикалар сони ҳам кескин ўсди.

Адабиётларда булардан ташқари фитонимус энтомофагларининг 21 дан ортиқ тури келтирилган. Бизнинг кузатишларимиз мобайнида шулардан хонқизи ва олтинкўз каби йиртқичларнинг миқдори ва аҳамияти юқорилиги аниқланди.





1-расм. Фитономус энтомофаги-хон қизи қўнғизи имагоси

Фитономус энтомофаглари, уларни миқдорини сақлаб қолиш ва фаоллигини ошириш тўғрисида адабиётларда тавсиялар бир канча олимлар томонидан берилган.

Бизнинг кузатишларимизда ҳам дала атрофида бегона, нектарга бой ўсимликлар кўп бўлганда энтомофагларнинг хусусан батишпектеснинг миқдори кўплиги кузатилди.

Шунинг учун биринчидан кимёвий моддаларни қўлламаслик ва нектарга бой бегона ўтларни кечроқ гербицидлар қўлламай, ўроқ билан ўриб ва сўлиганча далада қолдириб (бундай қилинганда учадиган энтомофаглар даладан олиб кетилишдан қутулишга улгуради), кейин олиб кетилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Энтомофаглар миқдорини сақлаб қолиш учун бедапоялар атрофидаги бегона ўтларни апрелни ўртасида ўриб олиш ва майдалаб кўк емга ўрадиган ўрувчи агрегатлар олдида ўсимликни силкитиб энтомофагларни сақлаб қолиш учун мосламалар қўйилиши тавсия этилган.

Хулоса. Фитономус зараркундаларига қарши кўпроқ агротехник ва биологик қарши кураш усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Фитономусга қарши кураш самарадорлигини ошириш ва унинг зарарини тез фурсатда чеклаш учун беда агроценозида куз, қиш ва баҳор ойларида мазкур ҳашарот миқдорини, уни тақиб этувчи фойдали ҳашарот ва касаллик кўзгатувчи патоген жонзотларни ҳисобга олиб, шу асосда зарур кураш тадбирлари ва воситаларини қўллашни режлаштириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хўжаев Ш.Т., Холмуродов Э.А. — "Энтомология, қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилиш ва агротоксикология асослари". Тошкент, —Фан нашриёти. 2014



2. Архангельский А. Фитономус- борьба методика // Социалистическое с/х Узбекистана.Ташкент. 1941.-N4.-С.28-30.
- 3.Астауров Б. А. Биологическое действие высоких температур и при жиз-
ненное термическое обеззараживание// Инфекционные и протозойные
болезни полезных и вредных насекомых -М: Сельхозгиз, 1996.- С.63-94.
- 4.Шомуротова Н.Г. Особенности фенологии и вреденности фитономиса
в Южном Приаралье. Рекомендация. Нукус, 1997⁶ –8 с.